

а) термометрлар ва манометрларнинг соз ҳолатда эканлиги ва уларнинг давлат текширувидан ўтган амал қилиш муддати;

б) ГТМ (ГРП) соzланганлиги муддати, шунингдек амалдаги ишчи босимнинг ГТМ (ГРП) соzланганлиги тўғрисида тузилган далолатномага мослиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 19-03-22-05 РЎз реестрида кўрсатилган беш ой иситиш мавсумида ҳисобланади.

“Истеъмолчи” табиий газдан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг газ хужалигидаги хавфсизлик қоидаларини бўзса унда, $R_{изб} = 1 \text{ кг/см}^2$ коэффициенти қўлланади.

2.27. “Таъминотчи” қиш мавсумида газ танқис бўлган даврда «Истеъмолчи»га табиий газни узлуксиз етказиб беришни кафолатламайди (жойлардаги Ҳокимликлар томонидан тасдиқланган, газ таъминоти тармоғидан ўчирилмайдиган рўйхатга киритилган истеъмолчилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли кароридан курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир).

2.28. Газ таъминоти тармоғи чегарасидан кейин «Истеъмолчи» балансидаги мавжуд газ қувурлари, ундаги қурилмалар ва газ истеъмол қилувчи жиҳозларни соз ҳолатда сақлаш, ҳамда улардан хавфсиз фойдаланиш учун жавобгарлик «Ўзбекистон Республикаси газ хўжалиги хавфсизлик қоидалари»га (Ўзб.Р Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилган, “Саноатконтехназорат”нинг 2004 йил 6 февралдаги 10-сон буйруғи билан тасдиқланган) биноан «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади.

Газ қувури бошланадиган жойдаги тақсимловчи зулфин ёки жўмрак, агарда у «Истеъмолчи» корхонаси (объекти) ҳудуди (тўсиғи)нинг ташқарисида жойлашган бўлса, улгуржи истеъмолчилар учун газ тармоғининг бўлинадиган чегараси бўлиб ҳисобланади. Агарда газ тармоғининг бўлинадиган чегарасида зулфин ёки жўмрак мавжуд бўлмаса, у ҳолда корхона (объект) ҳудудининг тўсиғи (девори) газ тармоғининг бўлинадиган чегараси бўлиб ҳисобланади.

3. ТАБИИЙ ГАЗ НАРҲИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ.

3.1. Фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб Ўз.Р. Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган Р.Уз.19-03-22-05-сон реестрига асосан амалга оширилади.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли кароридан курсатилган истеъмолчилари яъни «Истеъмолчи» ҳисоб-китоб оyi бошланишидан камида 5 кун олдин «Таъминотчи» ҳисоб рақамига тузилган шартномада кўрсатилгандек ойлик газ ҳажми қийматининг камида 30 фоизи учун олдиндан ҳақ тўлаши шарт.

Бюджет ташкилоти ҳисоб-китоб оyi бошланишидан камида 5 кун олдин тузилган шартномада кўрсатилган истеъмол қилинадиган газ ҳажми қийматининг камида 15 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлаши шарт.

Хусусий корхоналар, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар ҳисоб-китоб оyi бошланишидан камида 5 кун олдин берилган буюртмага асосан олдиндан 30 фоиз тўлов ўтказишлари шарт.

Олдиндан тўлов амалга оширмаган тақдирда «Истеъмолчи»га газ бериш тўхтатилади.

3.3. Якуний ҳисоб-китоб бир ойда берилган ва қабул қилинган газ миқдорига мувофиқ равишда келгуси ойнинг 10 кунигача амалга оширилади (Бюджет ташкилотлари учун якуний ҳисоб-китоб келгуси ойнинг 30 кунигача амалга оширилади).

Узил-кесил ҳисоб-китоб белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда, «Таъминотчи» томонидан ҳисоб-китоб оyiда ҳақиқатан етказиб берилган газ ҳажми суммасига хизмат кўрсатувчи банк орқали «Истеъмолчи»га тўлов талабномалари берилади.

Агарда тўлов талабномалари «Истеъмолчи» айби билан талабнома берилган кундан бошлаб 3 банк куни мобайнида бажарилмаса, «Истеъмолчи»га газ етказиб бериш тўхтатилади.

3.4. Табиий газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка асосан белгиланади.

3.5. Агарда «Истеъмолчи»нинг айби билан шартномада кўрсатилган газ ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган бўлса, «Истеъмолчи» томонидан аванс шаклида тўланган пул маблағи истеъмол қилинмаган газ учун қайтарилмайди, балки у келгуси ойнинг ҳисобига киритилади.